

Ҳижобли муслима Британиядаги шаҳарнинг мери бўлди



15:50 / 31.05.2019 1558

Биринчи марта ҳижобли муслима Буюк Британиядаги шаҳарлардан бирига ҳоким этиб тайинланди. Асли келиб чиқиши Сомалили бўлган Аркҳио Исмаил Ислингтон шаҳар Кенгашининг депутатлари томонидан шу шаҳарнинг мери этиб тайинланди. Бу ҳақда Islington Media нашри хабар беради.

Аркҳио Исмаилнинг оиласи ўтган асрнинг 80 йилларида Сомалидан Буюк Британияга муҳожир бўлиб кўчиб келган. У бир неча йиллардан сўнг шу юрт фуқароси бўлишга муваффақ бўлган. 2012 йил Исмаил хоним шаҳар Кенгаши аъзоси бўлган. 2018 йилда эса вице-мер этиб тайинланган. Исмаил хоним ўзининг сиёсий фаолияти билан машҳур ҳисобланади. У ақлий салоҳиятга эга бўлган болалар ва катталарга ёрдам берувчи фондни бошқаради ва диний жиҳатларини инобатга олган ҳолда муҳтожларга руҳий кўмак бериш билан ҳам шуғулланади.

Islom.uz портали таҳририяти